# „ОҚ ОЛТИН“ИМИЗ ПЛЕНУМГА СОВҒА

*Чиноз районининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига меҳнат вахтасида туриб, пахта тайёрлаш планини шараф билан бажардилар*



Суратларда: (чапдан) «Ўз ССР 30 йиллиги» колхози партия ташкилотининг секретари Ҳамроқул Булисбоев, «Москва» колхозининг донгдор бригадири Турсуной Йўлдошева, «XXI партсъезд» колхозининг илғор бригадаси бошлиғи Ҳасан Мирзаумаров ва «Москва» колхозининг энг пешқадам теримчиси Назира Тўрабекова ўртоқлар. Булар районнинг катта ғалабасига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

М. Устабобоев фотолари.

# ЯНА 2 МИНГ ТОННА УЧУН

Районимиз меҳнаткашлари бугун катта ғалабани қўлга киритдилар. Эрта кўкламдан буён қилинган ҳалол меҳнатнинг натижаси қувончли бўлди. **КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми шарафига меҳнат вахтасида ишлаб, планни бажардик. Она-Ватан омборига 26208,6 тонна «оқ олтин» топширдик. Бу, ўтган йилги топширилган ҳамма ҳосилдан 602 тонна ортиқдир. Ҳар гектар ердан олинган пахта 24,01 центнерни ташкил этди. Топширилган ҳосилнинг деярли 83 проценти биринчи сортга қабул қилинди.**

Бу йил районимиз хўжаликларида пахтачиликни юксалтириш соҳасида бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Пахтакорларимиз ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатларига амал қилиб гектаридан олинадиган ҳосилни шу йилнинг ўзидаёқ район бўйича 25 центнерданга етказишга астойдил бел боғладилар. Ана шу мақсад учун кураш чигит экиш давриданоқ бошланди. Чигит экиш, ғўза парвариши ва йиғим-терим даврида юз берган табиий қийинчиликлар пахтакорларимизнинг иродасини бука олмади. Улар зўр матонат кўрсатиб ишлаб барча қийинчиликларни мардонаворлик билан енгдилар. Мавжуд техника ресурслари ҳамда прогрессив агротехника тадбирларидан усталик билан фойдаланиш натижасида далаларимизда мўл ҳосил етиштирилди.

Эндиликда деҳқонларимиз техника ўзларининг чинакам дўсти, мададкори эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Район хўжаликларида ерни экишга тайёрлашда ҳам, ғўза парваришида ҳам, йиғим-терим даврида ҳам техникадан усталик билан фойдаланилди, механизмлар колхозчиларимизнинг оғирини енгил қилди.

Пахтачиликда илғор агротехника усулларидан дадиллик билан фойдаланиш юқори ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлди. Баҳорда район бўйича 3872 гектар ерга чигит режа сими ёрдамида квадрат-уялаб экилди. Умумий майдоннинг 12 минг 559 гектаридаги ғўза қатор оралари узунасига ҳамда кўндалангига ишланди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек пахта мамлакатимиз учун олтиндан ҳам қиммат хомашё ҳисобланади. Биз қанчалик кўп ва арзон пахта етиштирсак, давлатимизнинг куч-қудрати янада ошади, халқимизнинг ҳаёти фаровон бўлади. Районимиз меҳнаткашлари бу оддий ҳақиқатни жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир пахтакор мўл ҳосил етиштириш йўлида жон фидо қилиб ишлади. Районимиз пахтакорларининг катта ғалабасига ўртоқ А. Мираҳмедов раислик қилаётган «Коммунизм» колхозининг меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу хўжалик пахтакорлари районда биринчи бўлиб йиллик планни бажарган эдилар. Улар йиғим-терим суръатини сира бўшаштирмай ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар. Колхозда умумий майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 25 центнердан ҳосил кўтарилиб, она-Ватан олдидаги ваъда шараф билан бажарилди. Ватанпарвар пахтакорлар шу кунларда Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикамиздаги барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаатига жавобан қолган ҳосилнинг бирон чигитини ҳам нестнобуд қилмай тезроқ йиғиштириб олиш учун курашни кучайтираётирлар.

Энгельс номли колхоз илгарилари райондаги қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Кейинги йиллар ичида колхоз қаддини ростлай бошлади. Мана бу йил колхознинг меҳнатсевар пахтакорлари йиллик планни районда иккинчи ўринда бажардилар. Шунингдек районимизнинг машъал хўжалиги ҳисобланган, агроном ўртоқ М. Пўлатов раислик қилаётган «XXI партсъезд» колхози аъзолари ҳам бу йил катта ғалабани қўлга киритдилар. Колхозда ҳар гектар ердан ҳозиргача 28 центнердан ҳосил олинди. Юқоридаги колхозларнинг азаматлари шу кунгача мажбурият ҳисобига хирмонга бирнеча ўн тоннадан пахта тўкдилар.

Шу нарса қувончлики, район хўжаликларида энг кўп меҳнат талаб қиладиган пахта териш ва уни ташишни механизациялаш соҳасида бу йил олдинга дадил қадам ташланди. Етиштирилган ҳосилнинг машиналар билан териб олинишида механик-ҳайдовчиларимиз айниқса жонбозлик кўрсатиб ишладилар. «Оқ олтин» далаларимизда мавсум давомида 137 та «зангори кема» жавлон урди. Улар билан район бўйича етиштирилган умумий ҳосилнинг 6 минг тоннаси териб олинди. Карл Маркс номли колхоздан Эргаш Райимқулов, «XXI партсъезд» колхозидан Турсуной Раимова, «Москва» колхозидан Турсуной Йўлдошева, «Қизил Октябрь» колхозидан Саодат Турдиалиева сингари моҳир механик-ҳайдовчиларимиз ўз агрегатлари бункеридан 100—150 тоннадан пахта тўкдилар. Яна шу нарса қувончлики, район хўжаликлари пахтани қоп-қанорсиз ташиш планини ҳам ортиғи билан адо этдилар. Тайёрлов пунктларига 23 минг 569 тонна ҳосил ана шу прогрессив усулда етказиб берилди.

Пахтачиликда механизациядан ана шундай самарали фойдаланилганлиги натижасида кўпчилик хўжаликларда колхозчиларнинг олаётган иш ҳақлари анча юқори бўлмоқда. Бундан ташқари ҳосилнинг таннархи камаймоқда.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда коммунист ва комсомолларимиз авангардлик кўрсатиб ишлаяптилар. Бу соҳада «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» (раиси И. Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари Х. Бўлисбоев), Карл Маркс номли (раиси Х. Салимов, партия ташкилотининг секретари М. Абдуллаев ўртоқлар) ва «Қизил Октябрь» (раиси Ж. Очилов, партия ташкилотининг секретари М. Аҳмедов ўртоқлар) колхозларининг иши мақтовга лойиқ. Бу хўжаликларда йиғим-терим палласида кўпчилик коммунист ва комсомоллар этак тутиб пахта теришди. Коммунистлар бошлиқ бўлган бригадаларда иш айниқса намунали ташкил этилди.

Киров номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машҳур механизатор Турсуной Охунова бошлиқ бригадасининг пахтакорлари 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариш учун курашиб, шу кунгача ҳосилдорликни 46 центнерга етказдилар. Турсунойнинг ўзи тўрт қаторли терим машинаси билан 290 тоннадан ортиқ пахта терди. Худди шунингдек юқори ҳосил етиштиришда Карл Маркс номли колхознинг Истат Хўжаева, «Коммунизм» колхозининг Тўйдимурод Дўсонов, Ленин номли колхознинг Мамаражаб Сатторов ва бошқа қатор бригадаларининг аъзолари бошқаларга ўрнак бўлдилар. Бу бригадаларда ҳосилдорлик 35—40 центнерданга етди.

Районимизда йиғим-терим мавсуми бошланиши биланоқ кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйдирилди. Чеварларнинг меҳнати ҳам самарали бўлди. Жумладан ҳозир Яхшигул Жумбоева, Ҳосият Усмонова, Ўғилой Сотиболдиева, Қаноат Умарова, Холдон Сафарова, Турғуной Сотиболдиева, Турғуной Фозилова, Мелихон Эрматова, Рашида Башкирова сингари юзлаб теримчиларимизнинг номларини районимизда ҳурмат билан тилга олинади, ҳамма танийди. Бу чеварларнинг ҳар бири ҳозиргача 10—15 тоннадан пахта тўкдилар.

**Далаларимизда ҳали ҳосил бор. Пахтакорларимизнинг ҳиммати ҳам чакки эмас. Улар Хоразм область пахтакорларининг республикамиздаги барча меҳнаткашларга қарата ёзган очиқ Хатига жавобан қолган ҳосилни ердан батамом йиғиштириб олиш, давлатга яна 2 минг тонна пахта сотиб, ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказиш учун астойдил ғайрат қилаётирлар.**

**М. КАМОЛОВ,**
**Чиноз район партия комитетининг секретари.**

**С. ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**район ижроия комитетининг раиси.**

## Техника — бел қуввати

Ҳа, худди шундай. Техника деҳқоннинг дўсти, унинг бел қуввати бўлиб қолди. Мен раҳбарлик қилаётган трактор-далачилик бригадаси аъзолари бу йил техникага суянган ҳолда ишлаб, қувончли натижани қўлга киритдилар.

Ўтган йили бригадада ҳосилдорлик гектар бошига 16 центнерни ташкил этган эди. Бунинг устига пахтанинг таннархи анча юқори бўлган эди. Чунки, бригадада техникадан унчалик яхши фойдаланилгани йўқ.

Бригадага бошлиқ бўлиб тайинланганимдан кейин колхозчилар билан бафуржа гаплашиб олдим. Уларга техниканинг роли тўғрисида анча тушунтирдим. Шунда баъзилар:

— Э, синглим, ер шароитимиз чатоқ. Икки томонлама культивация қилиб бўлмайди, — дейишди.

— Агар астойдил киришсак, — дедим уларга ишонч билан, — айтганимиз бўлади. Мана бу йил кўрасизлар. Механизациядан кенг фойдаланиб, мўл, арзон пахта етиштирамиз.

Ерни экишга тайёрлашдан бошлабоқ техникани ишга солдик. 45 гектар ернинг ҳаммасига чигитни 60х50 схемасида экдик. Бу ишда ҳам бизга техника мададкор бўлди.

Бригадамизда ҳар бир ишловчига 3 гектардан ортиқ майдон тўғри келади. Кўриниб турибдики, техникасиз қўл кучи билан мўл ҳосил етиштириш анча қийин гап. Шу туфайли биз деярли барча агротехника тадбирларини техника ёрдамида ўтказдик. Ўзим ҳамда умр йўлдошим Тошбой Даминов билан биргаликда чигит экиш, ғўза парвариши даврида агрегатларни усталик билан ишлатдик. Колхозчиларимиз техниканинг қудратига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Чунки, парвариш даврида қатор оралари икки томонлама культивация қилинганлиги сабабли кетмон даладан улоқтириб ташланди.

Йиғим-терим даврида ҳам техникадан фойдаландик. Ўзим «Зангори кема» бункеридан 50 тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» тўкдим.

Бригадамизда ҳосилдорлик 26 центнерга етди. Бу, планда белгиланганидан 3 центнер кўпдир. Хоразмлик пахтакорларнинг очиқ хатини ишлаб чиққан бригадамиз азаматлари қолган ҳосилни тезроқ йиғибтериб олиш учун курашни кун сайин кучайтираётирлар. Йиғим-терим мавсуми бошидан бери ғайрат билан ишлаётган Умри Абдуҳакимова, Назира Туроббоева, Комила Дадажонова сингари чеварларимиз шу кунларда ҳам шижоат кўрсатиб, меҳнат қилаётирлар.

Биз ҳосилдорликни гектар бошига 28 центнерга етказиш учун бел боғлаганмиз. Бу, албатта бўлади.

Турсуной ЙЎЛДОШЕВА,
«Москва» колхози трактор-далачилик бригадаси бошлиғи.

## Қўшимча мажбурият ҳам бажарилди

Районимиз пахтакорлари жонажон Коммунистик партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленумини меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан кутиб олдилар. Улар Пленум шарафига бошланган умумхалқ мусобақасида актив қатнашиб, 20 ноябрда ўз зиммаларига олган қўшимча мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Шу кунгача давлат омборига 18 минг 180 тонна «оқ олтин» тўкилди. **Бу, ўтган йилнинг шу давригача топширилган ҳосилдан 3139 тонна, аввалги мажбуриятдагига нисбатан 2 минг тонна кўпдир.**

Пахтакорларимизнинг бундай ютуқни қўлга киритишларида техниканинг ҳиссаси катта бўлди. Район хўжаликларида пахтани машинада териш плани 141 процент бажарилди. Етиштирилган ҳосилнинг 15 минг 269 тоннаси тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз ташиб берилди. Бу, умумий ҳосилнинг 80,4 процентини ташкил этади.

Районимиз меҳнаткашлари бу йил давлатга қимматбаҳо техника экини бўлган каноп пояси етказиб беришда ҳам астойдил ишладилар. Шу кунга қадар давлатга 137 минг тонна каноп пояси сотилди. **Бу, аввалги мажбуриятимизга нисбатан 17 минг тонна кўпдир.** Ҳали далаларимизда пахта ҳам, каноп ҳам бор. **Мусобақани кенг қулоч ёйдирган колхозчилар, совхозларнинг ишчилари давлатга яна 500 тонна пахта ва 10 минг тонна каноп пояси сотиш мажбуриятини олдилар.**

Шунингдек, районимиз хўжаликлари давлатга пилла сотиш планини 101,1, жун сотиш планини 117,3, гўшт сотиш планини 102,9, тухум сотиш планини 115,1, сабзавот сотиш планини 103 процент қилиб адо этдилар. Сут сотиш плани 1 декабргача бажарилади.

Партиямиз Марказий Комитетининг Пленумида ҳаётий масала — ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинаяпти. Районимиз меҳнаткашлари жонажон партиямиз белгилаётган тадбирларни чин кўнгилдан маъқулламоқдалар.

**С. ТОИРОВ,**
**Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг секретари.**

**И. ЛИ,**
**район ижроия комитетининг раиси.**

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

## Теримда ресурслардан тўла фойдаланайлик

Яқинда область партия комитети бюроси Оққўрғон ва Бўка районларининг колхоз ҳамда совхозлари пахта йиғим-теримида меҳнат ресурсларидан қониқарсиз фойдаланаётганлиги масаласини муҳокама қилди.

Область партия комитети бюроси қайд қиладики, Оққўрғон ва Бўка районларининг раҳбарлари суръатнинг бўшаштириб юборилишига йўл қўйдилар ва йиғим-теримда масъулиятсизлик ҳамда уюшқоқсизлик ҳоллари рўй бераётганлиги билан муросасозлик қилмоқдалар.

23 ноябрга қадар Оққўрғон райони бўйича пахта тайёрлаш плани атиги 62,73 процент ва Бўка райони бўйича 75,33 процент бажарилди. Бу районларнинг барча хўжаликлари ҳам область бўйича деярли энг қолоқ ҳисобланадилар. Айниқса, Оққўрғон районидаги Калинин номли, Ленин номли, «Октябрь 40 йиллиги», Карл Маркс номли, Куйбишев номли колхозлар ва «Оққўрғон» совхози, Бўка районидаги «XX партсъезд», «Ленинобод», Ленин номли, «XIX партсъезд» ва «Бўка» совхозлари теримда судралмоқдалар.

Йиғим-терим ишларининг бунчалик бўшаштириб юборилганлигига сабаб шуки, бу районларнинг кўпчилик колхоз ва совхозларида теримга ишчи кучларини сафарбар қилиш мутлақо қониқарсиз аҳволда.

Оққўрғон ва Бўка районларида ноябрь ойининг бошларидан буён пахта териш машиналари ишламайди, шунингдек кўрак териш машиналарининг иши ҳам ёмон ташкил этилган.

Бу районлардаги биронта хўжаликда ҳам белгиланган колхозчи ва совхоз ишчисини теримга жалб қилиш топшириғи бажарилмайди, кўпгина теримчилар эса кундалик терим нормасини адо этмайдилар.

Меҳнатда кўтаринкилик йўқлиги ва кўрак териш техникаларидан унумсиз фойдаланилаётганлиги туфайли бу районларда пахта териш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган давлат плани барбод бўлмоқда.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари колхоз ва совхозларда ишнинг бориши — далаларни ҳосилдан батамом тозалашни атрофлича контроллик қилмаётирлар, натижада нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Бу камчиликлар шунинг учун ҳам рўй бермоқдаки, Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Каримов, район ижроия комитетининг раиси Айтқулов ва Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Обидов, район ижроия комитетининг раиси Қодиров ўртоқлар пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш ва пахта йиғим-теримига топшириқда белгиланган колхозчилар ва совхоз ишчиларини жалб қилиш юзасидан чора ва тадбирларни ўз вақтида амалга оширмадилар.

Область партия комитетининг бюроси Бўка районининг биринчи секретари ўртоқ Обидовга йиғим-терим ишлари суръатининг қониқарсиз эканлиги, район пахта ва кўрак теришга область партия комитети топшириғида белгиланган кишиларни жалб қилишни барбод бераётганлигини кўрсатиб ўтди.

Оққўрғон районида область партия комитетининг теримга кишиларни жалб қилиш топшириғи бажарилмаётганлиги, пахта тайёрлаш ва давлатга топшириш қониқарсиз ташкил этилганлиги учун район партия комитетининг биринчи секретари И. Каримов, район ижроия комитетининг раиси Д. Айтқулов ўртоқларни ишдан олиб ташлаш лозим эди, бироқ уларнинг пахта йиғим-терими соҳасидаги қониқарсиз аҳволни тез кун ичида тузатамиз деб ишонтириб айтган ваъдаларини ҳисобга олиб, область партия комитети бюроси Каримов ва Айтқулов ўртоқларга виговор эълон қилди.

Область партия комитетининг бюроси Оққўрғон ва Бўка район партия комитетларининг зиммасига далада бор ҳосилнинг бир грамминиинг ҳам нобуд қилинишига йўл қўймасдан териб олиш ва давлатга топширилишини таъминлаш вазифасини юклади. Шу мақсадда:

— пахта теримига меҳнатга қобилиятли барча колхозчилар ва совхоз ишчилари ва қишлоқ аҳолисини жалб қилиш;

— кўрак териш машиналаридан ҳамма ерда унумли фойдаланиш;

— кўсак чувиш машиналарининг кечасию-кундузи ишлашини ташкил қилиш, бунда пахта нобудгарчилигига сира йўл қўймаслик;

— областнинг барча хўжаликларига далаларни ғўзапоядан тозалашни ташкил этиш ва ишни конвейер усулида уюштириш ва шу йўл билан далаларни тезроқ тозалаб шудгорлашга тахт қилишни тавсия этиш;

— пахта йиғим-терими ва далаларни ҳосилдан тозалаш ишларида катнашаётган колхозчилар, совхоз ишчилари ва ёрдамчиларга рағбатлантирувчи ҳақ тўлашни йўлга қўйиш зарур.

Йиғим-терим ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам давом эттирилиши керак. Мана шуни ҳисобга олиб колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мавжуд сушилка хўжаликларини тўла ишга тушириш юзасидан зарур чораларни кўрсинлар.

## БОЛГАР ДЎСТЛАРИМИЗ ТОШКЕНТДА

22 ноябрь кечқурун Тошкентга Болгариянинг йирик саноат ва қишлоқ хўжалик районларидан бири — Хасков округи делегацияси келди.

Делегация составида округ Советининг раиси Г. Корсанов, округ партия комитетининг қишлоқ хўжалиги бўйича секретари Г. Георгиев, электрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича бирлашма бошлиғи Г. Митев, округ Советининг саноат бошқармаси бошлиғи Б. Вакрилов, округ партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими мудири Д. Нановски, қишлоқ хўжалик кооперативининг пахта звеноси раҳбари Д. Тонева ўртоқлар бор.

Аэродромда болгариялик меҳмонларни область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов, область партия комитетининг секретарлари С. М. Веселов, Х. Р. Мусахонова ва областнинг партия ҳамда совет ходимлари кутиб олдилар.

23 ноябрь эрталаб болгариялик меҳмонлар «Ташсельмаш» заводида бўлдилар. Корхона директори Е. А. Белов болгар ўртоқларга пахта териш машинасини ишлаб чиқариш қандай ташкил қилиниши ҳақида ҳикоя қилиб берди.

1962 йилда 6 минг машина ишлаб чиқарилади. 1964 йилга бориб эса завод 10 минг терим агрегати тайёрлаб беради.

Меҳмонлар завод раҳбарларига кўпгина саволлар бердилар. Улар ишнинг ташкил этилиши, иқтисодий кўрсаткичлар, янги технологиянинг жорий қилиниши, конструкторлик бюросининг фаолияти билан қизиқдилар.

Меҳмонлар заводдаги энг йирик-йиғув цехининг иши билан атрофлича танишдилар. Улар жўнатишга тахт қилиб қўйилган машиналарни кўрдилар. Механиклар бу агрегатларнинг ишини намойиш қилдилар.

— Яхши машина! — деб айтишди болгариялик ўртоқлар.

Хасков округида кўпдан буён пахта етиштирилади. Деҳқонлар бу йил планни муваффақиятли бажардилар, лекин ҳосилдорлик унчалик кўп эмас, ҳар гектаридан 10 центнердан ҳосил олинди. Ҳозир далаларни сув билан таъминлаш учун каналлар қурилмоқда, бу тадбир ўзлаштирилмаган ерлардан янги массивларни ўзлаштириш имкониятини беради ва пахта ҳосилдорлигини кескин ошириш мумкин бўлади. Болгариялик дўстлар тез вақт ичида бизнинг далаларда ҳам ана шундай машиналар пайдо бўлади, деб умид билдирдилар.

Заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари болгариялик дўстларни самимий кузатиб қолдилар.

Кундузи болгар делегациясини область партия комитетининг секретари ўртоқ М. Абдураззоқов қабул қилди. У меҳмонларга область меҳнаткашларининг ҳаёти, уларнинг етти йиллик планларини бажариш йўлидаги курашлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Қабул вақтида болгариялик меҳмонлар ҳам сўзга чиқиб, Хасков округи меҳнаткашларининг турмуши ва ишлари, Болгария саноати ва қишлоқ хўжалигининг муваффақиятлари ҳақида гапириб бердилар. Улар саноат ва қишлоқ хўжалик органларининг хўжаликка раҳбарлик қилиш бўйича иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида болгариялик дўстлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Чилонзордаги янги уй-жой массивини бориб кўрдилар, Революция музейида бўлдилар. Кечқурун улар Ҳамза номли театрда «Фурқат» спектаклини кўрдилар.



Суратда: делегация аъзоларини Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

А. Абалян фотоси.

## Совхозда биринчи бўлиб

**Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг 6-бўлим ишчилари йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан ўтказиб, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, яхши натижаларга эришдилар. Бўлим коллективи совхозда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди.**

**Ҳосил мўл бўлган эди. Шу туфайли 680 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта йиғиб олинди. Механизаторлар, айниқса, ғайрат кўрсатиб ишладилар. Пўлат агрегатлар билан 367 тонна «оқ олтин» териб топширдилар.**

**Бўлимнинг ўртоқ Қаюмов бошлиқ бригадаси энг юқори кўрсаткичга эришди. Бу ерда ҳар гектар ердан олинган ҳосил 32 центнерданга тўғри келади.**

**План бажарилганидан кейин ҳам бўлимда йиғим-терим давом этмоқда. Илғорлар планидан ташқари яна 150 тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар.**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Р. 13969. Нашр. Р. 1730.